

11. Дмитренко Г.В. Модернизация государственного финансового контроля. // Статистика. 2009. № 3. С. 118-123.
12. Ризаев Н.К. Бюджет тизими бюджетлари ижроси назоратининг шакллари ва усуллари. Магистрлар. № 2. 2023.
13. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 170-моддасида. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни. 2023.
14. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 шулда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги ЎРҚ-546-сонли қонуни.
15. "Давлат аудити" дастурий комплекси амалда. <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/288>.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-128-сонли қарори.



МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАР МАНБАНИИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a28

Оллоқуловва Феруза Мансуровна -
Термиз давлат университети
доценти в.б., PhD

Аннотация. Ушбу мақола бюджет-солиқ тизимини ривожлантиришининг муҳим йўналишларидан бири – маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш, хусусан, даромадлар манбаини оширишга бағишиланган. Унда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, молиявий мустақиллигини таъминлаш устувор вазифа эканлиги таъкидланган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси бўйича мавжуд вазият таҳлил қилинган ва даромад базасини кенгайтириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калим сўзлар: маҳаллий бюджет, даромад, харажат, молиявий мустақиллик, солиқ,

ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УВЕЛИЧЕНИЯ ДОХОДНОЙ ЧАСТИ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Оллоқуловва Феруза Мансуровна -
и.о. доцент Термезского государственного университета, PhD

Аннотация. Данная статья посвящена укреплению финансовой самостоятельности местных бюджетов, в частности увеличению источника доходов, одному из важных направлений развития бюджетно-налоговой системы. Подчеркивается, что увеличение доходов местных бюджетов и обеспечение финансовой независимости является приоритетной задачей. проанализировано текущее состояние доходной базы местных бюджетов и сформулированы выводы и предложения по расширению доходной базы.

Ключевые слова: местный бюджет, доходы, расходы, финансовая самостоятельность, налог.

PERSPECTIVE DIRECTIONS INCREASING THE REVENUE OF LOCAL BUDGETS

Ollokulova Feruza Mansurovna -
Acting associate professor of Termez State University, PhD

Abstract. This article is devoted to strengthening the financial independence of local budgets, in particular, to increasing the source of income, one of the important directions in the development of the budget and tax system. It is emphasized that increasing the revenues of local budgets and ensuring financial independence is a priority. analyzed the current state of the revenue base of local budgets and formulated conclusions and proposals for expanding the revenue base.

Keywords: local budget, income, expenses, financial independence, tax.

Кириш. Маҳаллий бюджет даромадлари-ни кенгайтириш ҳамда солиқ тўловчиларни аниқлаштириш ва унга нисбатан ёндашувларнинг асосланган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мамлакат миқёсида бир хил хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин худудий нуқтаи назардан ўзаро фарқланиши мавжуд бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим

йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Биринчидан, даромадлар базасининг яхши шаклланганлиги, иккинчидан харажатларнинг барқарорлигига эришилиши билан ифодаланади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари-ни кенгайтириш ва ташкил қилишда, асосан, маҳаллий бюджетлар шаклланиши ва фойдаланишнинг барқарорлигини таъминлаш масалаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий молиявий манбаларни ошириш бугунги кунда энг муҳим

ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринч галда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий-иктисодий инфраструктузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Улар маҳаллий ҳокимиятларнинг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб, давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий ролни ўйнайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Х.Қобулов ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари тўғрисида тадқиқотлар олиб бориб, илмий хуносаларни шакллантириб беради [1]. Унинг фикрига кўра, маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари тавсифланганда, даромадлар базаси билан чекланиб қолмасликни, балки уни ўсиб бораётган мажбуриятлар суръатларига мувофиқ тарзда давлатнинг қўшимча тадбирлари тизимидағи аниқ чоралар билан ҳам мувофиқлаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Яъни «маҳаллий бюджетлар молиявий имконияти унинг харажатлари динамикасидаги ўсиш суръатларига, шунингдек, жаҳон андозаларига мостарзда шаклланган бюджет меъёрларининг бажарилишини таъминлашга имкон берувчи даромад базасидир» [1] деб қайд этиб ўтади.

Бундан ташқари и.ф.д. А.Х.Исламкулов турли даражадаги бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ва бюджет даромадлари мутносиблигини таъминлаш учун молия-бюджет, бюджет-солиқ соҳасидаги марказий ва маҳаллий органларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш лозимлигини таъкидлайди. Бунда муаллиф бюджет тизимининг бўғинлари ўтрасида даромад ваколатлари ва харажат мажбуриятларини оптимал тақсимлаш тизимини маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш горизонтида амалга оширишни илгари сурди [2].

Қ.А.Усмонов эса бюджет даромадларини режалаштиришнинг аҳамияти тўғрисида тўхтаби, ҳозирги кунда бюджет даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар базасини етарли ва сифатли даражада шакллантириш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиши ва бюджет даромадларини режалаштириш жараёни тартиби, усули, муддати ҳамда иштирокчилар вазифаларини аниқ кўрсатиб берувчи ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш лозимлигини қайд этади [3].

Шунингдек, профессор Ш.А.Тошматов томонидан маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан уларнинг барқарорлигини таъминлашни алоҳида таъкидлаб ўтган [4]. Шунингдек, ҳудудий солиқ салоҳиятни баҳолаш ва маҳаллий солиқларни ундириш

механизмини такомиллаштириш зарурлиги асосланган.

Фикримизча, бюджет тизимининг турли бўғинлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш тизимининг негизини ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасидаги асимметрик тафовут ҳисобланади. Иқтисодчи олимлар А.У.Бурханов ва Х.А.Курбонов фикрича, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашда, биринч навбатда, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур [5].

Бу борада иқтисодчилар Н.Гроенендюк ва А.Янсоо (Nico Groenendijk, Annika Yansoo) ўтиш даврини бошдан кечираётган Болтиқбўйи мамлакатларининг солишишторма таҳлилига асосланиб, даромадларни марказий бюджет орқали қайта тақсимлаш тизимининг кўлами ва масштаби мамлакат ҳудудларининг иқтисодий ривожланишидаги тафовутга боғлиқлигини асослайдилар [6].

Мамлакатнинг яхлит мувозанатли тараққиётини таъминлаш, Р.Масгрейв (Richard A. Musgrave) назариясига кўра, марказий ҳокимиятнинг асосий функционал вазифаси ҳисобланади. Унинг фикрича, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва ундан оқилона фойдаланиш учун ижтимоий хизматларнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш орқали уларни рағбатлантириш зарур ҳисобланади [7].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, маҳаллий бюджетлар даромадлар манбани оширишда олиб борилаётган ислоҳотлар таҳлили асосида илмий-назарий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Тадқиқотда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили ва умумлаштириш натижалари билан белгиланди. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. «Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, макроиктисодий барқарорлик ва изчил суръатларини таъминлаш йўналиши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бунга маҳаллий бюджет даромадлар манбани ошириб бориш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали эришилади» [8].

Республикамизда 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг манти-

кий давоми бўлиб, юртимиз тараққиётида янги саҳифа очиши билан аҳамиятлидир [9].


Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштирища ўз даромадларининг етишмаслиги оқибатида уларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигининг сақланиб қолиши ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Шу нуқтаи назардан «харажатлар ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида муносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини мустаҳкамлаш бўйича бюджетларро муносабатларни такомиллаштириш» муҳим ҳисобланади [10].

Бу борада маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш республика ва ҳудудларини ривожлантириша мухим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлиги мамлакатимиз маъмурий ҳудудларининг қуий бўғинларида, яъни вилоятлар, туман-

лар, шаҳарлар ва шу кабилар доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга. «Чунки маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базаларига эга бўлса-да, улар хизмат қилувчи маҳаллий ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига замин яратилади» [11].

Ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадларининг ошиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини ошириш, иш билан бандлик масалаларини ҳал қилишда асосий манба ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 52-моддасига мувофиқ, маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида республика бюджетидан ўтказиладиган субвенциялар, ўтказиб бериладиган даромад ва дотациялар бугунги кунда алоҳида аҳамиятга эга [12]. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлашда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1-расм).

Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш йўллари



1-расм. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини мустаҳкамлаш йўллари

Манба: маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Юқорида келтирилган 1-расм орқали ҳудудларда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шунингдек, келтирилган 4 та манба орқали молия-солиқ органлари томонидан чора-тадбирларни маҳаллий ҳокимият органлари орқали амалга ошириш дастуруламал бўлиши лозим.

Бундан ташқари ҳозирги кунда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан даромадларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмаётгандиги, кўпгина ҳудудларнинг даромадлари умумдавлат солиқларидан ажратмалар, субвенциялар ва трансферлари ҳисобига шаклланмоқда.

Шунингдек, қуийдаги 2-расмда келтирилган вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари органларининг вазифалари белгиланган:

Келтирилган 2-расмда маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишда молия ва солиқ

органларининг ваколатларини кенгайтириш ва даромадларини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар даромадлар қисми-ни шакллантириш масалалари бўйича молия бўлимни раҳбарининг ўринбосари ҳар ойда ишлаб чиқариш динамикаси ва тенденциялари, ҳажмларининг ўзгариши, янги ишлаб чиқариш қувватлари очилиши ва солиқ тўловчиларнинг сонини танқидий баҳолашга асосланган баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетларнинг тушумлари прогнозининг ҳисоб-китобини амалга оширади.

Молия бўлимни раҳбари ҳар чорақда оймай тақсимланган маҳаллий бюджет параметрлари прогнозини тасдиқлатиш учун туманлар ҳокимлигига киритади, кейинчалик туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига ижро этиш учун етказади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишда маҳаллий ҳокимиятнинг вазифалари

- солиқ солиши объектлари ва солиқ солинадиган базани тўлиқ камраб олиш, солиқлар йигилиши даражасини оширишини мустахкамлаш;
- маҳаллий бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиши ҳамда уни тежаш, бюджет интизомини кучайтириш;
- мавжуд захираларни сафарбар этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш орқали тегишили маҳаллий бюджет даромадлари прогнозининг бажарилишини таъминлаш;
- маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланишининг натижадорлиги бўйича хисобдорлик тизимини кучайтириш;

2-расм. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишда маҳаллий ҳокимиятнинг вазифалари

Манба: маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш йўналишлари 2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар

бюджетлари даромадлари ва харажатлари прогнози 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда Ўзбекистондаги турли даражадаги маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари прогнозини кўриб чиқайлик.

1-жадвал

2021 йил учун маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари таҳлили* (млрд. сўм)

№	Худуд номи	Даромадлар	Харажатлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2352,2	3228,8
2.	Андижон вилояти	1935,4	2375,4
3.	Бухоро вилояти	1212,9	1702,9
4.	Жizzах вилояти	2570,3	4147,6
5.	Қашқадарё вилояти	1535,8	1535,8
6.	Навоий вилояти	1970,6	3254,5
7.	Наманган вилояти	2657,0	3759,7
8.	Самарқанд вилояти	1754,7	3048,3
9.	Сурхондарё вилояти	745,7	1279,9
10.	Сирдарё вилояти	3009,8	3009,8
11.	Тошкент вилояти	2904,9	3815,0
12.	Фарғона вилояти	1442,7	2075,6
13.	Хоразм вилояти	1442,7	2075,6
14.	Тошкент шаҳри	4068,6	4068,6
Жами:		29774,7	40217,6

Манба: маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

1-жадвалда кўринишича, 2021 йил жами даромадлар 29774,7 млрд. сўмни ташкил этган. Шу ўринда харажатлар эса 40217,6 млрд. сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Юқори кўрсаткичларда Тошкент шаҳрининг даромад кўрсаткичи 4 068,6 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Энг паст кўрсаткичда Сурхондарё вилоятининг даромадлари 745,7 млрд. сўмни, харажатлари эса 1 279,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказилидаган даромадлар тақсимоти келтирilmagan

бўлса, даромаднинг бу тури Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳри бюджетига йўналтирилади.

Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида ҳудудларда молия солиқ органи ваколатлари кенгайтирилди. Бу борада қўйидагилар амалга оширилмоқда [13]:

1. Маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини шакллантириш масалалари бўйича молия бўлими раҳбарининг ўринbosari ҳар ойда ишлаб чиқариш динамикаси ва тенденциялари,

ҳажмларининг ўзгариши, янги ишлаб чиқариш қувватлари очилиши ва солиқ тўловчиларнинг сонини танқидий баҳолашга асосланган баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва мажбурий ажратмалар тушумлари прогнозининг ҳисоб-китобини амалга оширади.

2. Маҳаллий бюджетнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқишида молия бўлимлари аниқланган қўшимча тушумлар манбанини, шу жумладан, аниқланган тадбиркорлик субъектларини, шунингдек, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг маълумотлар базасида ҳисобга олинмаган солиқ солиш объектларини ҳам ҳисобга олади.

3. Молия бўлими раҳбари ҳар чоракда ойма-ой тақсимланган маҳаллий бюджет параметрлари прогнозини тасдиқлатиш учун туманлар ҳокимларига киритади, кейинчалик туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига ижро этиш учун етказади.

4. Туманлар молия органлари ва давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги ўзаро ҳамкорлик йўналишлари, масъул ходимлар ва ойма-ой тақсимланган маҳаллий бюджет даромадлари параметрларининг прогнози илова қилинган ўзаро ҳамкорлик натижалари бўйича тайёрланадиган ҳужжатлар шакллари белгиланган туман (шаҳар) молия бўлими ва давлат солиқ инспекциясининг қўшма буйруғи асосида ташкил этилади.

5. Туманлар молия органлари ва давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги:

жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи тўловчиларни ва тушумларни тўлиқ қамраб олишни;

бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятидан, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган солиқ тушумларини тўлиқ қамраб олишни;

инвестиция лойиҳаларини, Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан тушумларни оширишни;

фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишләётган корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашни;

дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ўсишини қисқартиришни ва маҳаллий бюджетларга тушумларни оширишни таъминлаш ишларини олиб бориш доирасида амалга оширилади.

6. Туман молия бўлими ва назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари мониторинг натижалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими биринчи ўринbosарига аниқланган қўшимча захиралар

тўғрисидаги ахборотларни алоҳида шакл бўйича ёзма ёки электрон тарзда тақдим этадилар.

Бир вақтнинг ўзида солиқлар ва тўловлар манбалари, тўловчилар, ҳисобга олинмаган солиқ солиш объектлари, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари бўйича аниқланган захиралар тўғрисидаги маълумотлар туман (شاҳар) давлат солиқ инспекцияларига тўловларни унидириш ва ҳисобга қўйиш чораларини кўриш учун юборилади.

7. Молия бўлимлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси аниқланган қўшимча манбаларни солиқ солиш базасига киритиш бўйича барча чораларни кўради ва кўрилган чоралар бўйича алоҳида шаклда маълумотларни ёзма тарзда ёки электрон шаклда молия бўлимига тақдим этади.

Бундан ташқари республикамизда солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси асосида солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ юкини кескин пасайтириш, солиққа тортиладиган объектларни тўлиқ қамраб олиш ва солиқларнинг йиғилувчанигини ошириш орқали тегишли бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг солиқ маъмуриятчилиги механизмларини такомиллаштириш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хуласа ва таклифлар. Бугунги кунда худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим.

Биринчидан, бюджетлараро трансферлар ва бюджет ссудасини ажратиш, унинг фоизларини тўғри, адолатли белгилаш зарур. Бюджет ссудаси юқори бюджетдан қуий бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга ёки хорижий давлатга қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағdir. Бюджет трансферти эса бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтариш майдиган пул маблағлари ҳисобланади. Ана шу йўналишлар борасида Бюджет кодексига ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

Иккинчидан, мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражаси юқори. Шу боис кейинги йилларда бизнесга қўшимча кулайликлар яра-

тиш орқали яширин иқтисодиёт улушкини камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан, тартибга солиш ва маъмурӣ юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки яширин иқтисодиёт билан курашишда эҳтиёткор бўлиш ва иқтисодий фаоликка зарар етказиб қўймаслик керак.

Учинчидан, давлат раҳбарининг худудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини, худудларнинг иқтисодий ўқув нуқталари бўлган соҳаларни қўллаб-кувватлашни молиялаштиришни тўлиқ ва муддатли амалга ошириш зарур. Бу борада Молия вазирлиги томонидан қонунчиликда белгиланган субсидияларнинг ажратилиши ва ўз эгасига етиб боришини алоҳида назоратга олиш талаб этилади.

Тўртингчидан, давлатимиз раҳбарининг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида кўплаб маҳалла ва қишлоқлардаги шароитлар яхшиланди. Биргина 2022 йилнинг ўзида мазкур дастурлар доирасида жами 21 триллион сўм йўналтирилди. Тегишли ташкилотлар бу маблағларни қишлоқ аҳолисининг энг катта муаммоларидан бўлган ичимлик суви, йўл, электр энергияси билан боғлиқ бирламчи ҳаётий масалаларини ҳал қилиб беришга сарфланишини назоратга олиши зарур.

Бешинчидан, кейинги йилларда давлат харидлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва тадбир-

корлар учун электрон харид қилиш имкониятини янада кенгайтириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Аммо вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан давлат харидларини амалга оширишда ўтган йилда кўплаб салбий ҳолатлар кузатилган. Бу жараёнда жамоатчилик назоратининг кучайиши самарасиз давлат хизматларининг олдини олишга хизмат қиляпти. Жамоатчилик назорати қанча кўп бўлса, тизимда ишончсизликдан яхшиланиш сари ўзгариш шунча юқори бўлади. Шу боис бу борада янада очик, шаффоф, барқарор, самарали ва яхлит давлат харидлари тизимини яратишга катта эътибор қаратиш зарур.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимият орғанлари томонидан даромадларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмаётганилиги, кўпгина худудларнинг даромадлари умумдавлат солиқларидан ажратмалар, трансферлар ҳисобидан шаклланмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетлар даромадларининг самардорлигини ошириш маблағлар сарфлаш учун белгиланган мақсад билан боғлиқ. Бюджет даромадларини ошириш доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни худудлар даромадларининг мустаҳкамланиши, даромадларни бошқаришнинг такомиллаштирилиши ва харажатларнинг мувофиқлаштирилиши, уларнинг белгиланган параметрларда амалга оширилиши жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қобулов Ҳ.А. *Худудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш ўйналишлари*. И.ф.н. автореферат. – Т.: БМА, 2011. – 22 б.
2. Исламқулов А.К. *Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш*. И.ф.д (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. автореферати, 2019 йил. – 54 б.
3. Усмонов Қ.А. *Бюджет даромадларини режалаштириш жараёни, усуслари ва уларни такомиллаштириш ўйналишлари*. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2016.
4. Тошматов Ш. *Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли*. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 б.
5. Бурханов А.У., Курбонов Х.А. *Худудларда маҳаллий бюджетлар даромадлар манбанини кенгайтириш ўйлари* (Қашқадарё вилояти мисолида). // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 1-сон, январь-февраль, 2018. 4-б.
6. Nico Groenendijk, Annika Yansoo. *Fiscal federalism in transition countries: the three Baltic state compared*. / Public finance and management. / Volume 16, № 3, pp. 255-280, 2016.
7. Richard A. Musgrave. *The Theory of Public Finance*. – McGraw-Hill, 1959. Pp. 628.
8. Ўроқов У., Муртозаева З., Назарова М., Сафарова П. *Маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўзига хос хусусиятлари манбанини оширишида инновацион менежментни ривожлантириш*. Центральноазиатский журнал образования и инноваций, 2023. 2(4), 5-8.
9. <https://www.lex.uz/acts/3107036>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 1-илова.
11. Соатова Н. *Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини такомиллаштириш*: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a33. // Иқтисодиёт ва таълим. 2022. 23(5), 192-200.
12. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. 2013 йил 26 декабрь. 52-модда.
13. https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=3255436